

**ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИНИНГ
ТАКОМИЛЛАШУВИ БОСҚИЧЛАРИДА ЁШ
МУТАХАССИСЛАРНИНГ МОСЛАШУВИ МАСАЛАСИ**

Юлдашев Анвар Эргашевич

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси «Бошқарувда АҚТ» кафедраси профессори, тарих фанлари доктори, профессор
E-mail: Anvar_08@mail.ru

Бекмуродов Навruz Эргашевич

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви Академияси стажёр-тадқиқотчиси
E-mail: navruz_bek_80@mail.ru

ANNOTATSIYA

mazkur maqolada yosh mutaxassislarning davlat fuqarolik xizmatida moslashuvi masalalari tahlil qilingan. Adolatli jamiyat asoslarini yaratish, hokimiyatni boshqarish va uning funksiyalarini bo‘lib amalga oshirishga qaratilgan dastlabki g‘oyalar, yoshlarni davlat fuqarolik xizmatiga jalb qilish, davlat hokimiyati va boshqaruvini demokratlashtirishda yoshlarning o‘rni kabi masalalar o‘rganilgan.

Kalit so‘zlar: yoshlar (yosh fuqarolar), yosh mutaxassislar, davlat fuqarolik xizmati, davlat hokimiyati, moslashuv, malaka oshirish, adolatli jamiyat.

**ПРОБЛЕМА АДАПТАЦИИ МОЛОДЫХ
СПЕЦИАЛИСТОВ НА ЭТАПАХ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ
ГОСУДАРСТВЕННОЙ ГРАЖДАНСКОЙ СЛУЖБЫ**

Юлдашев Анвар Эргашевич

Профессор кафедры «ИКТ в менеджменте» Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан, доктор исторических наук, профессор
Электронная почта: Anvar_08@mail.ru

Бекмуродов Навruz Эргашевич

Стажер-исследователь Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан
Электронная почта: navruz_bek_80@mail.ru

АННОТАЦИЯ

в данной статье анализируются вопросы адаптации молодых специалистов на государственной гражданской службе. Изучались такие вопросы, как создание основ справедливого общества, первоначальные идеи, направленные на управление властью и осуществление ее функций, привлечение молодежи на государственную службу, роль молодежи в демократизации государственной власти и управления.

Ключевые слова: молодежь (молодые граждане), молодые специалисты, государственная гражданская служба, государственная власть, адаптация, повышения квалификации, справедливое общество.

THE ISSUE OF ADAPTATION OF YOUNG PROFESSIONALS IN THE STAGES OF IMPROVEMENT OF THE STATE CIVIL SERVICE

Yuldashev Anvar Ergashevich

Professor of the «ICT in Management» Department of the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan,

Doctor of History, Professor

E-mail: Anvar_08@mail.ru

Bekmurodov Navruz Ergashevich

Intern-researcher at the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

E-mail: navruz_bek_80@mail.ru

ABSTRACT

this article analyzes the issues of adaptation of young professionals in the state civil service. Issues such as the creation of the foundations of a just society, the initial ideas aimed at the management of power and the implementation of its functions, the involvement of young people in the civil service of the state, and the role of young people in the democratization of state power and management were studied.

Key words: youth (young citizens), young professionals, state civil service, state power, adaptation, training, fair society.

Юртимизда турли соҳалардаги ислоҳотларни изчил ва самарали амалга оширишда ижтимоий-сиёсий, иктисолий ва хуқуқий жиҳатдан ривожланишни таъминлайдиган кадрларни тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш устувор вазифа

ҳисобланади. Сўнги йилларда давлат хизматига муносиб кадрларни тайёрлаш, ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга қўтариш борасида бир қатор ютуқларга эришилди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2022 йил 8 август куни «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги қонунни имзолади [1]. Давлат раҳбари ҳужжатга давлат хизмати соҳасидаги муаммоларни ҳал қилиш 30 йилга кечикканлигини таъкидлаган йиғилишдан кейин имзо чекди. **«Ҳали давлат хизмати чинакам ҳалқни рози қиласидиган тизимга айлангани йўқ»**, – деди Юрбошимиз. Шу билан бирга, Президент қонун икки йил давомида «чуқур мухокамалар асосида» маҳаллий ва хорижий эксперталарни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқилганини айтган эдилар [2].

Агар хориж тажрибасига эътибор қаратсак, ҳозирги кунда давлат фуқаролик хизмати масаласи АҚШ, Россия, Буюк Британия, Германия, Франция, Жанубий Корея, Сингапур ва бошқа давлатларда тадқиқот обьекти сифатида ўрганилмоқда [3]. Ўзбекистонда ҳам миллий ва хорижий тажрибалар асосида юксак салоҳиятли давлат хизмати кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш жараёнини тизимли ва самарали ташкил этиш ҳамда давлат хизмати соҳасидаги кадрлар фаолиятини такомиллаштириш масаласи янги босқичга қўтарилиди.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар давлат фуқаролик хизматининг янги шарт-шароитларга мослашишини тақозо этмоқда. Зоро, **«Ҳалқ давлат органларига эмас, давлат органлари ҳалқка хизмат қилиши керак»**, деган тамойил давлат фуқаролик хизмати фаолиятида асосий қоидага айланди.

Юқори қайд этилган ҳолатлар ёш мутахассисларнинг давлат фуқаролик хизматида мослашуви, ўз ўрнини топиши ва фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш бўйича тадқиқотларнинг етарлича эмаслиги мазкур соҳада тизимли тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади. Зоро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 18 декабрь куни замонавий кадрларга бўлган эҳтиёжни тўлдириш, билимли ёшларни стратегик соҳаларга жалб этиш масалаларига бағишлиланган йиғилишда **«...замон талаби, ислоҳотлар шиддатига мос кадрларни тарбиялашимиз керак. Бу масала бизнинг келажагимиз, бизнинг эртанги кунимиз»** – дея таъкидлаганлар [4].

Антик даврларда Сукрот, Демокрит, Платон, Аристотель, Эпикур, Полибий, Цицерон каби мутафаккирлар томонидан адолатли жамият асосларини яратиш, ҳокимиётни бошқариш ва унинг функцияларини бўлиб амалга оширишга қаратилган дастлабки ғоялар илгари сурилган [5]. Хитой мутафаккирлари Лао-Цзи, Конфуций, Сун-цзи ва бошқалар таълимотида донолик, инсонпарварлик,

садоқат, катталарни ҳурмат қилиш, жасорат; қонун инсон манфаатлариға хизмат қилиши каби масалаларга кенг ўрин берилган [6].

Кўхна Осиё ва юртимизда етишиб чиққан ислом мутафаккирлари, муфассир, мутакаллим, мұхаддис, мутасаввиф ва фақихлари олимларидан Абу Мұхаммад Абдуллоҳ ибн Муқаффа, Имом ал-Бухорий, Абу Мансур Мотуридий, Абу ал-Муъйин Ан-Насафий, Абу Ҳомид Мұхаммад Ал Ғаззолий, Бурхонуддин Марғиноний, Убайдуллоҳ ибн Масъуд Ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳожа Аҳрор Валий каби улуғ ислом мутафаккирларининг асарларида адолат ва сиёсат, давлат хизматчиларида бўлиши керак бўлган хусусиятлар; уларнинг вазифа ва одоблари; давлат одамларининг ва бошқарувчиларнинг юксак азми Қуръон оятлари, ҳадислар, аҳли донишнинг ҳикматли сўзлари, машҳур фалсафа ва дин вакилларининг, одил ҳукмдорларнинг сўз ва хатти-ҳаракатидан намуналар берилган ҳолда ёритилган.

Хусусан, дин омилиниңг сиёсий жараёнлардаги таъсирини тўғри англаган Ибн Муқаффаниңг бу мавзудаги қўйидаги фикрлари диққатга молик: «Дин арбоблари, олижаноб инсонларнинг ҳар бир вилоят, қишлоқ ва қабиладаги обрў-эътибори, ҳурматини яхши билган ҳолда, уларни ўзингнинг биродарларинг, яқин дўст ва ёрдамчиларингга, ишончли инсонларингга айлантиришга ҳаракат қилгин. Сен уларни ўзинг учун хавф-хатар деб билма. Чунки бунинг натижасида одамларда сенга маъқул тушмайдиган турли фикрлар пайдо бўлади. Сенинг фазилат ахлидан маслаҳат сўрашинг ҳалқда бошқалар фикрига муҳтоҷ эканлигинг борасидаги турли фикрлар келтириб чиқаришидан қўрқма» [7].

Ғаззолий нафақат инсон масалалари, балки жамият ва давлат қурилиши муносабатлари билан ҳам шуғулланганлигига гувоҳ бўламиз. Бу борада у шундай ёзади: «Бас, одам ҳамма ҳожатини ўзи тамом қилолмас. Ғайрига ҳожати тушган сабабдин ҳалқаро ҳусумат пайдо бўлур. Ва ҳар киши ўз ҳаққига ризо бўлмай, бир-бирига қасд қилурлар. Бу важҳдин яна уч сифатга ҳожат тушар. Бири салтанат ва сиёсат, яна бири қазо (қозилик) ва ҳукумат, яна бири сифат фиқҳим, муниңг бирла сиёсат ва салтанат қонунини ҳалқга жорий қилғай» [8].

Бутун ҳаёти давомида одамларни иймон эътиқодга, ҳар доим фаол, фойдали меҳнат қилишга даъват қилган Ҳожа Аҳрор Валий: «Кўча-кўйда бўлса ҳам бир фойдали иш билан машғул бўлинг. Ҳалқ сизнинг бу ишингиздан манфаат топсин. Сиз ҳам ўшанда ўзлигингизни англайсиз. Қисқа вақт ичида бирор қасб ўрганишга ҳаракат қилинг. Шунда кишилар назарида сиз ўйлагандек, яхши қиёғангиз пайдо бўлади» [9], деб таъкидлайди. Ҳожа Аҳрор Валий нақшбандия таълимотида илгари сурилган, ҳар бир киши фойдали меҳнат билан шуғулланиши лозимлиги ҳақидаги ғояни янада бойитиб, инсонлар фойдали

мехнатлари натижасидан саховат ва кўмак бериш билан ўзгалар кўнглини шод этиш, чинакам мусулмончилик белгиларидан эканини тарғиб қилган.

Тиббиёт, фалсафа, география, математика, астрономия, давлат бошқаруви, халқаро алоқалар, жанг санъати, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий фикрлар тарихига улкан ҳисса қўшган давлат арбоблари, қомусий олимлар – Шарқ мутафаккирлари: Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Низомулмулк, Унсур ал-Маолий Кайковус, Амир Темур, Жалолиддин Давоний, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Самандар Термизий асарларида кишилик жамиятининг вужудга келиши ва ривожланишининг табиий сабаблари,adolat ва ахлоқ шаклланишининг узвий қонуниятлари, инсон ва жамиятнинг ўзаро муносабатлари, давлат амалларини топширишда назорат қилиш чораларини кўриб бориш ва бунда бошқарувнинг бир маромдаги фаолиятини таъминланиш, аъёнларнинг ҳокимиятга бўлган хуфиёна интилишларини давлат манфаатларига мос равища мувофиқлаштириш, давлат бошқарувининг шаклланиши ва ривожланиши; устоз-шогирдлик одоби, қадрияти, мuloқot шартлари; қасб ва иш бажарувчининг одоблари ҳамда вазифалари, шунингдек, давлат хизмати кадрларига оид дастлабки қарашлар кенг миқёсда ўрганилган.

Жумладан, Форобий шундай таъкидлайди: «Маданий жамият ва маданий шаҳар (ёки мамлакат) шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам қасб-хунарда озод, ҳамма баб-баробар бўлади, кишилар ўртасида фарқ бўлмайди, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган қасб-хунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар. Бири иккинчисига хўжайин бўлмайди. Одамларнинг тинчлик ва эркинликларига халақит берувчи сulton (подшоҳ) бўлмайди. Улар орасида турли яхши одатлар, завқ-лаззатлар пайдо бўлади» [10]. Шу тариқа олим бугун бизнинг тасаввуримиздаги демократик давлат шакллари ва унда бошқарувнинг сиёсий ва фалсафий моҳиятини яратишга эришади.

Беруний жамиятни бошқаришда жамият подшоҳга хизмат қилмай, подшоҳ жамиятга хизмат қилиши кераклиги хақида шундай дейди: «Идора қилиш ва бошқаришнинг моҳияти балки бошлиқ золимлардан азият чекканларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бирорларнинг тинчлиги йўлида ўз тинчлигини йўқотишидир. Бу уларнинг оиласини, уларнинг ҳаёти ва мол-мулкини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш йўлида бадан чарчашидан иборат» [11].

Яна бир мутафаккир – Абу Али ибн Сино адолатли жамиятнинг мавжуд бўлиши шарти сифатида биринчи ўринга инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат ва ахлоқий муносабатларни қўяди. Унинг фикрича, юксак ахлоқ сохиби бўлишга фақат ва фақат маърифат ёрдамида эришиш мумкин. Ибн Сино ахлоқий

муносабатларнинг юксалиши жамиятнинг маънавий-ахлоқий соғломлиги ва событлигини таъминлаш омили эканлигини алоҳида таъкидлайди [12].

Инсоннинг ижтимоий моҳияти, унинг ҳаётдаги ўрни, ижтимоий вазифаси **Юсуф Ҳожиб** томонидан турли йўналишларда таҳлил этилади. Асарда оддий халқ, меҳнаткаш инсон алоҳида эҳтиром билан тасвирланган. Айниқса, дехқонлар, чорвадорлар, ҳунармандлар ҳақидаги боблар илиқ меҳр билан йўғрилгандир. Асардаги турли-туман касбларнинг саноғи, бу касб-хунар эгаларида бўлиши керак бўлган хислат-фазилатларнинг баёни, айни пайтда ўша касб-хунарларига бўлган хурмат ва эътиборнинг эътирофи ҳамдир.

Адиб комил инсон ҳақида гапирав экан, камолотнинг қатор белгиларини кўрсатиб ўтади. Уларнинг энг асосийси алоҳида шахснинг ўз манфаатлари, шахсий истаклари доирасини ёриб чиқиб, бошқалар ғами билан ҳам яшashi, кўпчилик манфаати учун фидойи бўла билишдир [13].

Кайковуснинг «Қобуснома» асарида ҳам баркамол инсон, юксак маънавиятли шахс масалаларига алоҳида аҳамият берилган. Юрт тақдири, равнақи ёшлар таълим-тарбиясига чамбарчас боғлиқ эканини дилдан ҳис қилган Кайковус халқа яқинлашишга, унинг манфаатини кўзлашни авлодларга уқтиради: «Эй фарзанд, ҳаргиз яхшилик қилмоқни тарқ этмағил, ҳамиша яхшиликни халойиққа кўргузғил, ва асло унинг аксин кўргузмағил, бошқа тил била сўзламағил», – дея ёзади [14].

Буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг «Темур тузуклари» ҳозирга қадар жаҳон олимларини, ҳар биримизни ҳайратга солиб келмоқда. Негаки, уларда битилган сўзлар Темур даҳосининг нечоғли донишмандлигига ишора бўлиши билан бирга долзарблиги билан ҳам ғоят қадрли ва аҳамиятлидир. Бу жиҳатлар Темур бобомиз маънавий меросининг «Мамлакат ишлари тузуклари» қисмида келтирилган битикларда ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган:

«Мамлакат ишлари тузуклари»

«Дину-шариат ишлари тузукини тартибга келтирганимдан кейин, салтанатим корхонасининг тузукини тузишга киришдим. Салтанат ишларини қонун ва қоидалар, тўра ва тузукка солиб, салтанатим мартабаю эътиборини сақладим. Салтанатим обрў-марtabасини сақлаш тузуклари қуидагилардир.

Биринчидан, салтанатим қонун-қоидаларини ислом дини ва кишиларнинг энг хайрлиси (ҳазрати Муҳаммад)нинг шариатига боғлаб, иззату хурматлаш вожиб бўлган онҳазратнинг авлоди ва саҳобаларига муҳаббат билдириш асосида туздим. Салтанатим марtabасини тўра ва тузуклар асосида шундай сақладимки, унинг ишларига аралашибашга ҳеч бир кимсанинг қурби етмасди.

Иккинчидан, сипоҳу раиятни умид ва қўрқув орасида сақладим. Дўст-душманни муросаю мадора марtabасида тутдим. Қилмишларини, айтган

гапларини сабр-тоқат ва чидам билан ўтказдим. Дўст-душмандан кимки менга илтижо қилиб келса, дўстларга шундай муомала қилдимки, дўстлиги янада ортди, душманларга эса шундай муносабатда бўлдимки, уларнинг душманлиги дўстликка алмашди...

Учинчидан, ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмадим. Тузимни тотиб, менга ёмонлик қилганларни Парвардигори оламга топширдим. Иш кўрган, синалган, шижаотли эр-йигитларни қошимда тутдим. Софдил кишилар, саййидлар, олимлар ва фозилларга даргоҳим доим очиқ эди. Нафси ёмон ҳимматсизларни, кўнгли бузуқ қўрқоқларни мажлисимдан қувиб юбордим.

Тўртинчидан, очиқ юзлилиқ, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узокроқда бўлишга интилдим...» [15].

Жалолиддин Давонийнинг «Ахлоқи Жалолий» – тўлиқ номи «Лавоми ул-ашроқ фи макорим ил-ахлоқ» (Яхши хулқларда нурлар зиёси) китобида муҳим ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий ғоялар илгари сурилган. Унда жамиятнинг пайдо бўлиши, ижтимоий табақалар, давлат ва уни бошқариш йўллари, адолатли ва адолатсиз подшоҳлар, уларнинг фуқароларга муносабати, ахлоқ ва таълимтарбия масалалари батафсил таҳлил этилган. У ёзади: «Одамлар бирлашиб бир-бирига ёрдамлашганда бошқалар тўғрисида чинакамига қайғуради, ўзаро ёрдам ва алоқа ўрнатилганида адолатнинг синалган йўллари пайдо бўлади, яшаш воситалари тартибга тушади, кишиларнинг ахволи мустаҳкамланади ва инсон зоти сақланади» [16].

Жамият тараққий этмоғи учун адолат мезонларига қатъий амал қилинмоғи зарур. Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий асарларида бунга алоҳида ургу берилган. Улуғ мутафаккир «Лисонут-тайр» асарида мана бундай ёзади: «Адл бир қўрғондирки, сув солиб йиқилмас ва ўт била куймас, манжаниқ била бузилмас. Ва адл ганжиурким, қўпрак олган сайин қўпрак бўлур, озроқ ҳарж қилсанг, озроқ бўлур» [17]. Дарҳақиқат, моддийлик қийматига эга бўлган ҳар қандай мулкнинг маълум бир бўлаги ишлатилса, у камаяди. Лекин Навоий таъкидича, одиллик сувда йиқилмайди, оловда куймайди, қанча сарфлассанг, шунча қўпаяди.

Хусусан, «Вақфия» асарида ҳазрат Навоий жамият адолатсизликдан, тараққиётга тўсиқ бўладиган турли иллатлардан холи бўлиши зарурлигини қўйидагича бадиий талқин этади:

То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас:
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас.
То зулму ситам жонига бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас [18].

Ана шу фикрларнинг ўзи ҳам кўрсатиб турибдики, ҳазрат Алишер Навоийнингadolat мезони юксак бўлган. Унинг учун қонун ҳар нарсадан устун хисобланган.

Хусайн Воиз Кошифий ўз асарларида сиёsat, давлатни бошқариш масалалари бўйича ўз даври учун муҳим фикрларни олға суради. У давлатни одилона боқаришда сиёsatдан фойдаланиш кераклигини алоҳида таъкидлайди:

«Шариат қоидаси бўлмаса, ҳеч бир ҳақ ўз жойида қарор топмайди ва сиёsat забти йўқ бўлса, шариат ва дин ишида тартиб бўлмайди.

Байт:

Ўгирсалар сиёsat тигин, элга қилмаса зохир,
Жаҳонда пок сув ичмакка бўлмас ҳеч ким қодир.

Демак, подшоҳлар сиёsatи шариатга ривож берувчиidir, шариат ҳукмлари эса уларнинг мамлакатлariга қувват етказувчиidir.

Қитъа:

Кўкламас давлат ниҳоли мулк боғи саҳнида,
Гар равон эрмас анинг сори шариат чашмаси.
Лек буқим, шаръи миллат чашмаси жорий эмас,
Турмаса гар онинг устида сиёsat сояси.

Ҳақиқатан ҳам, оламнинг мадори ва мамлакат қарори сиёsat устидадир» [19].

Самандар Термизийнинг «Дастур ул-мулук» асари подшоҳларга атаб ёзилган бўлса ҳам, мамлакат ёшларини маънавий ҳалол, пок, иродаси мустаҳкам, сабр-тоқатли, Ватанга содиқ кишилар руҳида тарбиялаш хусусидаги аҳамияти ниҳоятда каттадир. У ёзади:

«Азизим, Аллоҳ амалдорларга давлатни бошқариш учун қулай вазиятни яратди, тақдир қўли улар учун улуғлик чодирини, баҳт кошонасини қурди. Бундоқ қулай бир пайтда барча амалдорлар шундай улуғ, азим ишлар қилишлари керакки, у халқа осойишталик, фаровонлик, дину иймонга шон-шараф келтиурсин, дунёвий ҳаётни, маънавиятни таъриф-тавсиф этишга хизмат қилсин. Уларнинг тириклигида амалга оширган шу улкан, олижаноб ишлари ўлганларидан кейин ҳам гуноҳларини ювишга сабаб бўлсин» [20].

XV – XIX асрларда Гарб олимлари Никколо Макиавелли, Томас Гоббс, Жон Локк, Шарль Монтескье, Иммануил Кант, Жан Жак Руссо, Томас Жефферсон ва бошқалар томонидан сиёсий ҳокимият, ҳуқуқий давлат қурилиши концепциясининг замонавий таълимоти ҳамда унинг тушунчалари ривожлантирилди.

Янги давр сиёсий фанининг асосчиси дея тан олинган италян гуманисти Никколо Макиавелли мақсад ҳокимиятни эгаллаш, сўнgra эса уни тутиб

туришдан иборат бўлиб, бошқа ҳамма нарса, шу жумладан, ахлоқ ва дин ҳам восита деган ғояни илгари суради. У шундай ёзади: «Агар ҳукмдор халқ ёрдамида ҳокимиятга келган бўлса халқнинг дўстлигини сақлашга доим уриниши керак, зероки бу қийин ишмас, чунки халқ фақат ўзини алдов ва ҳийладан ҳимоя қилишни сўрайди. Агар ҳукмдор халқнинг истагига зид ўлароқ, зодагонлар ёрдамида ҳокимиятга келган бўлса ҳам, барибир халқ раъини ўзига қаратмоғи унинг биринчи вазифаси бўлмоғи лозим. Бу жуда осон, фақат уни ҳимояга олмоқ керак... Хулоса сифатида шуни айтишим керакки, ҳукмдор халқ меҳрини қозониши керак, акс ҳолда қийин кунларда, албатта, ҳокимиятдан ағдарилади» [21].

«Давлатнинг қандайлиги ҳақида хулоса чиқариш учун аввало одамларнинг ахлоқи, қизиқишлари ва феъл-атворини ўрганиш жоиздир», деган инглиз файласуфи **Томас Гоббс** жамият тараққиёти ва унда давлатнинг ўрни ҳамда келиб чиқиши масаласида қўпроқ ҳусусий мулкчиликка асосланади. Шу билан бирга, унинг фикрича, давлатнинг монархия шакли мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади [22].

Инглиз файласуфи **Жон Локкнинг** социал-сиёсий таълимоти «Бошқариш ҳақида икки рисола» асарида ўз ифодасини топган бўлиб, унда инсоннинг тўла озодлиги ва одамларнинг тенглиги ғояси ётади: «Тўла озодлик ҳолати хатти-харакат эркинлигини ва ўз мулкидан бемалол фойдаланиш эркинлигини англатади. Бунда шахс ҳеч кимнинг иродасига боғлиқ бўлмайди ва ҳеч кимдан рухсат сўрамайди. Тенглик ҳолати шуни англатадики, кишилар туғилишиданоқ бир хил ҳуқуқقا, бир хил табиий устунликка эга бўладилар, бинобарин, улар ўзаро муносабатларда тенг бўлишлари керак. Агар Худо бир кишини бошқа киши устидан ҳукмрон қилиб қўймаган бўлса, кишилар бир-бири билан тенг муносабатда бўлиши лозим...

Жамият қонуни инсонни табиий эркинлик доирасида мавжуд бўлган ўзбошимчаликлардан муҳофаза қиласи. Кишилар табиий эркинликдан кечиб, сиёсий ҳокимиятга буйсунадилар. Сиёсий ҳокимият мулкни бошқариш ва сақлаш учун ўлим ва бошқа чораларни кўзда тутувчи қонунлар қабул қилиш, бу қонунларни ижро этиш учун куч ишлатиш, давлатни ташқи ҳужумлардан ҳимоя этиш ҳуқуқига эгадир – ана шуларнинг бари ижтимоий фаровонлик учун амалга оширилади» [23].

Машхур француз адиби, ҳуқуқшуноси ва файласуфи **Шарль-Луи де Монтескье** «Қонунларнинг руҳи тўғрисида» номли фундаментал асарида демократия, эркинлик ҳақида тўхталиб шундай ёзади: «Сиёсий эркинлик хоҳлаганча иш тутиш дегани эмас. Эркинлик қонун йўл қўйган ҳар қандай ишни

бажариш ҳуқуқи билан белгиланади. Агар фуқаро қонунда тақиқланган ишга қўл урса, эркинликдан маҳрум бўлади» [24].

Германиялик мутафаккир **Иммануил Кант** ўзининг асосий эътиборини инсонларнинг қонунларга қатъий амал қилишларининг ҳамда давлат тузилишининг фалсафий муаммоларига қаратади. Унинг фикрича, инсонлар жамоасининг табиий ҳолати – бу жамоада мажбур этувчи қонунларнинг мавжуд эмаслиги билан белгиланади. Бу шубҳасиз, инсонлар жамоасининг ёввойи ва эркинлиги жиловланмаган ҳолатидир. Ушбу ҳолат ҳар бир инсоннинг барча инсонлар билан, барчанинг бир инсон билан бўладиган уруши – курашидир. Бу, албатта, ахлоқ нуқтаи назаридан адолатсизликдан ўзга нарса эмас. Аммо ҳар бир инсоннинг барча билан урушига боғлиқ ҳолатни четлаб ўтиш учун, инсон фуқаровий жамиятга бирлашмоғи зарур. Мазкур жамиятнинг асосини эса, ҳар бир инсоннинг бир-бирига нисбатан тенглигини сўзсиз урнатувчи ҳуқуқ ташкил этмоғи лозим [25].

Жан Жак Руссонинг фикрича, давлат республика шаклида бўлиб, на бойлар ва на камбағаллар бўлишига йўл қўйилмаслиги керак. Халқнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи олий орган – халқ мажлислари тузилмоғи кўрсатилган. Бу орган чиқарган қарорлар ҳукумат ва ҳукмон ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурий деб ҳисобланган. Кўриниб турибдики, бир пайтлар идеал ғоя деб саналган Руссонинг қарашлари бугунги кунда қўплаб ривожланган давлатларнинг сиёсий тизимлари негизини ташкил этади [26].

«Озодликнинг қиймати – муттасил огоҳлик» ғоясини илгари сурган АҚШнинг учинчи президенти **Томас Жефферсон** «мамлакат ривожининг отаси» сифатида эътироф этилади. Жефферсон президентлик йилларида эркинлик, тенглик принципларини амалда намоён этиш мақсадида давлат бошқарувига янги амалиёт ва тажрибаларни қўллаган. Бу эса АҚШнинг тараққиёт тарихида туб бурилиш ясаган. У ўзининг сиёсий қарашларида монархия бошқарувини рад этиб, демократик сайловларга асосланган республика бошқарувини қўллаб-қувватлайди. 1776 йилда «АҚШ мустақиллиги баёноти»да ўз сиёсий қарашини шундай ёзади: «...ҳамма одамлар тенг қилиб яратилганлар ва уларнинг ҳаммалари ўзларини яратувчи томонидан (туғма ҳамда ажралмас) шак-шубҳасиз ҳуқуқлар билан инъомланганлар, бундай ҳуқуқлар қаторига ҳаёт, эркинлик ва баҳт-саодатга интилиш киради» [27].

Халқ маънавиятини бойитиш йўлида олиб борилган қарашлар, миллий матбуот, адабиёт ва театрнинг одамлар тафаккурини оширишдаги аҳамияти ҳақида асарларида куюниб ёзган, бу борада фидойилик кўрсатган, алалоқибат қатағонга учраган миллатимиз ойдинлари – Махмудхўжа Бехбудий, Исъҳоқхон Ибрат, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат,

Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир [28] асарларида ёш авлод вакилларининг комилликка эришиши, ёшлар онгида маънавий-маърифий қадриятлар, таълим-тарбия, инсонпарварлик, адолатлилик ғояларини шакллантириш ва ривожлантириш; солиқларни камайтириш, дехқонлар аҳволини яхшилаш, амалдорлар ўртасида авж олган порахўрликка барҳам бериш ва уларнинг ҳақ-хукуқларини чеклаш каби масалалар ёритилган. Ушбу ғоялар бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмади, шу боис буюк ватандошларимиз фаолиятини ўрганиш ҳар биримиз учун ниҳоятда хайрлидир.

Жадидчилик ўз тарихи давомида икки босқичдан ўтган: биринчisi – маърифатчилик босқичи, иккинчisi – сиёсий босқич. Жадидларнинг давлатчилик масаласига доир қарашлари биринчи босқичдаёқ шаклана бошлаган, иккинчи босқичда эса тугал шаклга эга бўлган. Улар ўтмишга назар солиб, жамиятдаги барча салбий жиҳатларни миллий давлатчиликнинг бой берилиши билан боғлашган. Масалан, Маҳмудхўжа Беҳбудий фикрича, хонликлар ўтган 50 йил давомида дунёдан узилиб қолган ва жаҳонда эришилган ютуқлардан фойдаланишдан маҳрум бўлган, бу миллий давлатчиликнинг бой берилишига олиб келган, бу мустамлакачилик зулми остида қолиш сабабларидан биридир. Мустамлакачилик тизими Туркистон халқларини ўzlари билмайдиган европача қонунлар асосида яшашга мажбур қилди, ўз ҳақ-хукуқларини химоя қилиш учун эса саводли бўлиш зарур [29].

Мунаввар қори «Оврупо ва Амриқо халқлари ҳавода учар, денгиз остида сузар, дунёнинг энг нариги бурчаклари билан воситасиз хабарлашар бир ҳолға, бир маданиятга етишдилар», – деганда бизнинг-да халқимизни истиқлолга олиб чиқиб, ватанимизни жаҳон мезонидаги давлаттга айлантиришини орзу этган эди [30].

Авлонийнинг фикрича ахлоқли инсонни тарбияламасдан туриб ёрқин келажакни тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис у инсон фаолиятининг турли кўринишларига ва характеристери чизгиларига ахлоқий мезонлар орқали қарайди. Олимнинг таъкидлашича: «Маорифдан, фунун ва маданиятдан маҳрум қолган халқ жаҳолат панжаларининг орасида хамир каби эзилгандек, афъоли замимадан ҳам ўз нафсининг ёқасини бўшатолмас. Илм ва маърифат соҳиблари, фазли камоллари соясида ҳар бир ишни тадқиқ ва му shoҳада ила қилурлар. Аммо жоҳиллар эса бир нарсанинг моҳиятини му shoҳада қилурга ақл ва фаросатлари етмас» [31].

Фитрат юртни тараққиётдан орқада қолиб кетаётганига урғу бериб, мамлакатни таназзулдан, халқни ночор аҳволдан қутқариш учун илм-фанни ривожлантириш зарурлигини уқтиради [32].

Шахснинг ижтимоий муҳитга мослашуви масаласи бир неча бор турли ижтимоий ва гуманитар фанларнинг тадқиқот объекти бўлган. Уларнинг айримларига қуйида тўхтаб ўтамиз:

1) Шахснинг ижтимоий муҳитга мослашуви ҳодисасини илк бор **психология фани** мутахассислари ўрганишган.

Бу йўналишда дастлаб Ғарб олимларидан З.Фрейд, Х.Хартман, Ж.Пиаже, Э.Эриксон А.Маслоу ва бошқалар **шахснинг ижтимоий муҳитга мослашувининг психологияк жиҳатларини назарий ва экспериментал нуқтаи назардан** кўриб чиқдилар.

Инсон руҳиятининг янги бир моделини кашф этган **З.Фрейд**, гарчи ўз асарларида **«адаптация»** (мослашиш) тушунчасини ишлатмаса ҳам, аслида бу жараённи «Ид» (Инстинктлар), «Эго» (Мен) ва «Супер-эго» (Юксак Мен – одамни ўраб турган муҳит, жамият) бўлиmlардан иборат уч таркибли тузилмаларининг ўзига хослиги билан тавсифлайди [33].

«Адаптация шахснинг ўз муҳитида (асбоблар, технология ва бошқалар воситасида) амалга оширадиган ўзгаришлари, шунингдек, унинг психик ва физиологик тизимидағи ўзгаришлар туфайли юзага келиши мумкин. Фрейднинг аллопластик (атроф-муҳитни ўзгартириш йўли билан эмас, балки ўзини ўзгартириш) ва аутопластик (ўзини асл нусхага, яъни табиатга ўхшатиш) ўзгаришлар тушунчаси бу ерда ўринлидир. Ҳайвонлар ҳам фаол ва мақсадли равишда ўз муҳитини ўзгартиришади, масалан, ин ва уялар қуриш орқали. Бироқ, кенг кўламдаги аллопластик мослашувлар фақат одамларгагина хос ҳолат саналади. Бу ўринда икки жараён юзага келади: инсоний ҳаракат атроф-муҳитни одам хизматига мослаштиради, кейин эса инсон (такроран) ўзи яратишга ёрдам берган муҳитга мослашади. Кўпинча ушбу вазиятда «Супер-эго» (Юксак Мен) функцияси аллопластик ёки аутопластик ҳаракатнинг қайси бири мос келадими ёки йўқлигини ҳал қиласди. Бироқ, аслида, ғайри ихтиёрий майллар ва қариндошлик омиллари ҳам доимо роль ўйнайди. Адаптациянинг учинчи шакли, аллопластик ва аутопластик шакллардан мутлақо мустақил ва улар билан мутлақо бир хил бўлмаган, бу организмнинг ишлаши, ҳаракат қилиши учун қулай бўлган янги муҳитни танлашдир. Таъкидлаб айтаманки, янги қулай муҳитларни топиш, айниқса, инсоннинг мослашувида катта аҳамиятга эга» [34], – дейди машхур психоаналитик **Х.Хартман**.

Болалар психологиясини ўрганиш бўйича ишлари билан машхур швейцариялик психолог ва файласуф **Ж.Пиаже** ўзининг интеллектни ривожлантириш концепциясида ассимиляцияни мослашув аспектларидан бири деб ҳисоблади. Унинг асарларида мослашиш деганда организмнинг атроф-муҳитга таъсири ва атроф-муҳитнинг организмга тескари таъсири ўртасидаги

мувозанатни ёки ассимиляция ва аккомодация жараёнларининг мувозанатини таъминлаш жараёни тушунилади [35].

Психоаналитик йўналишдаги ишлар орасида шахс ва жамиятнинг ўзаро узлуксиз мослашуви ҳақидаги ғояни илгари сурган Э.Эриксоннинг концептуал ёндашуви ажralиб туради. Унинг концепциясида мослашиш жараёни формула билан тавсифланади: **қарама-қаршилик – хавотирлик – шахс ва муҳитнинг ҳимоя реакциялари – гармоник мувозанат ёки зиддият** [36].

Гуманистик психология асосчиси американлик олим А.Маслоу фикрича, психологик мослашув – бу шахс ва атроф-муҳитнинг оптимал ўзаро таъсири. Ушбу мослашувнинг мақсади ижобий руҳий саломатликка эришишdir. Шахсий қадриятларнинг ижтимоий вазиятни идрок этиш билан номувофиқлиги кишининг ақлий ва меҳнат фаолияти орқали бартараф этишга ҳаракат қиласиган зиддиятни келтириб чиқаради. Молашув – фаол эмас, балки пассив жараён саналади; унинг идеали – маълум бир ўзгача хусусиятга эга бўлмаган баҳтли бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай киши, ҳатто у ақлдан озган киши ёки маҳбус бўлса ҳам [37].

МДҲ мамлакатлари олимларидан Г.Балл, Л.Блохина, Н.Волкова кабилар давлат хизматчиларининг касбий фаолияти шароитларига психологик мослашиш хусусиятларининг индивидуал фарқларини ўрганиш, ташкилотга хос бўлган маданиятни ўзлаштиришнинг бирламчи молашувининг хусусиятларини аниқлаш каби масалалар бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқишиган.

Хусусан, украиналик машҳур психолог Г.Балл мослашиш категорияси шахснинг ривожланиш жараёни ва психологик механизmlарини таҳлил қилишда қўлланилишини асосли равишда исботлайди. Олимнинг фикрича, мослашиш – бу нафақат олдиндан йўналтирилган қандайдир муносабатларни сақлаб қолиш ва худди ўзидек акс эттириш, балки мавжуд психологик вазиятдан чиқишига ҳам қаратилган жараёндир [38].

Молашиш жараёнларининг психофизиологик моҳиятини кўриб чиқиши асосида Л.Блохина шундай эътироф этади: «молашиш ҳодисаси ички гомеостаз (биологик системаларнинг ўз таркиби ва хоссаларининг динамик нисбий доимийлигини сақлаб қолиш хусусияти)га эришиш ва сақлашга қаратилган тананинг турли психофизиологик тизимларини мувозанатлаш, қайта қуриш жараёни сифатида намоён бўлади» [39].

«Ходимларни бирламчи молаштириш дастурлари инсон ресурсларини бошқаришнинг муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган таркибий қисми саналади. Ходимларни бирламчи молаштириш жараёнида хизматчи келгусида ишлайдиган корхонанинг маданий-ахлоқий меъёрлари ва қадриятларини

ўзлаштиришга ёрдам берадиган ташкилот муҳити шароитларига алоҳида эътибор берилади. Тўғри ташкил этилган мослашув дастури янги хизматчининг иш жойини танлашга ижобий муносабатини уйғотади ва касб билан боғлиқ талабларни муваффақиятли бажариш истагига олиб келади» [40], – дея таъкидлайди россиялик олим Н.Волкова.

2) **Социология фани** олимлари «мослашув» атамаси пайдо бўлган пайтдан бошлаб, ушбу муаммони соҳа нуқтаи назаридан ўрганишга киришдилар.

Ғарб олимларидан биринчилардан бўлиб Э.Дюргейм, М.Вебер, Т.Парсонс, Э.Тоффлер ва бошқалар ўзгарувчан муҳитда инсоннинг юксалиши сабаб ва шартлари, ижтимоий муҳитга хос бўлган меъёрлар ва қадриятларни ўзлаштириш механизmlари, инсоннинг ижтимоий муҳит билан фаол ўзаро муносабатда бўлиши каби масалаларни ўргандилар.

Э.Дюргейм мослашувни ижтимоий нормаларнинг инсон хулқ-авторига таъсирини таҳлил қилиш нуқтаи назаридан кўриб чиқди. Француз социологи ижтимоий воқеликнинг асосини фактлар ташкил қиласи, деб таъкидлайди. Фактлар, ўз навбатида, иккита муҳим хусусиятга эга. Биринчидан, объектив характерга эга бўлиб, шахсларнинг иродасига боғлиқ эмас. Иккинчидан, уларга мажбурлаш кучи ато қилинган, яъни инсонга интериоризация (ташқи ижтимоий фаолиятни ўзлаштириш туфайли одам ички психикасининг шаклланиши) механизmlари орқали босим ўtkазиш қобилияти мавжуд. Яъни, ижтимоий регуляторлар нафақат мажбурий равишда, балки шахслар учун «истаганлиги» билан ҳам белгиланади. Шундай қилиб, Э.Дюргеймнинг фикрича, мослашиш – бу шахс томонидан икки томонлама, моҳиятан амбивалент мажбурий-ихтиёрий характерга эга бўлган умумий ижтимоий нормаларни амалга оширишdir [41].

М.Вебер мослашиш ҳақидаги таълимотни шахснинг ижтимоий ҳаракатининг ўзига хос хусусияти – мақсадга мувофиқликка боғлаб талқин этди. Унинг назариясига кўра, инсон мақсадларини амалга ошириш ва унга эришиш учун уларни оқилона воситалар билан боғлашга интилади. Шу муносабат билан мослашиш инсон эҳтиёжларини қондиришнинг энг мақбул усули сифатида ишлайди [42].

Америка социологи **Т.Парсонс** адаптацияни ўзи олға сурган социологик назария доирасида ўрганган бўлиб, у шахсни ижтимоий тизимларга киритиш жараёнларини тавсифлайди. Олим таъкидлайдики, инсон жамиятда мавжуд бўлган қадриятлар, меъёр ва анъаналарни бошқа одамлар билан муносабатда бўлиш жараёнида «ўзига сингдиради», пировардида ижтимоий тизимнинг бир қисмига айланади. Мослашув ижтимоий муҳитга хос бўлган меъёрлар ва қадриятларни ўзлаштиришнинг шахсий механизmlари туфайли юзага келади [43].

Америкалик иқтисодчи, социолог, футуролог, постиндустриал жамият концепцияси назариётчиларидан бири Элвин Тоффлер «Келажак шоки» номли асарида: «Ўзгариш – нафақат ҳаётнинг зарурий элементи, балки ҳаётнинг ўзи. Мажозий қилиб айтганда, ҳаёт мослашиш, мувофиқлашишдир» [44], деб ёзади.

МДХ олимларидан Н.Михайловский, И.Милославова, А.Бодалев, Ю.Забродин [45] кабилар **шахснинг ижтимоий ва ижтимоий-психологик мослашувининг асосий механизмлари, оимлари ва усуллари** борасидаги илмий ишларининг аҳамиятини қайд этиш ўринлидир.

Н.Михайловский мослашув субъекти сифатида шахсни ажратиб кўрсатди. Шу билан бирга, у мослашув субъектининг икки тури мавжудлигига ишора қилди: амалий ва идеал. Амалий тур вакиллари вазиятга мослашган, лекин бунинг устига у билан бирга нобуд бўладиган, бошқа шароитларга мослашишга имкони йўқ тур сифатида тавсифланади [46]. Бу кишилар ўзининг шахсиятини йўқотган одамлар саналади. Шунингдек, олим идеал типни қўйидагича таърифлайди: кучли, баркамол, матонатли, тор муҳитда ўжарлиги ва қуввати туфайли барбод бўладиган, лекин эркинликда бор кучи билан ўзлигини намоён қиласидиган инсонлар. Улар «муҳитга шунчаки мослашмайди, аксинча, унинг баркамол ривожланган шахсиятни қондира оладиган ҳолати учун курашади» [47].

И.Милославова адаптация (мослашиш ва мослаштириш)нинг объектив-субъектив табиати ҳақида «ижтимоий мослашув туфайли инсон ҳаёт учун зарур бўлган стандартларни, стереотипларни ўрганади, улар ёрдамида у ҳаётнинг тақрорланадиган шароитларига фаол мослашади» дейди [48].

Юртимиз оимлари томонидан давлат фуқаролик хизмати, ёш мутахассислар тайёрлашга оид масалалар билвосита ва бевосита тадқиқ этилиб, бу жараён ҳозирги кунда, яъни, туб ислоҳотлар амалга оширилаётган янги даврда ҳам жадаллик билан давом этмоқда. Биринчидан, давлат фуқаролик хизматининг назарий-методологик ва концептуал жиҳатлари **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев** асарларида ҳар томонлама ва тизимли тарзда ёритиб берилган. Уларда давлат фуқаролик хизматининг Янги Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнидаги ўрни ва аҳамияти ҳамда улар олдида турган долзарб масалаларга оид концептуал ғоя ва фикрлар мавжуд. Иккинчидан, **миллий давлатчилик ва ҳуқуқий тизимни шакллантиришнинг умумий масалалари ҳамда давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий, назарий-ҳуқуқий асосларини ўрганган ўзбек олимларидан** Х.Одилқориев, А.Саидов, О.Хусанов, Н.Сайд-Газиева, Э.Хожиев, Д.Рахимова, А.Қодиров, Ш.Асадовлар, **шунингдек, давлат бошқарув кадрлари ва раҳбар кадрлар тайёрлаш тарихи, миллий ўзига**

хослиги, унинг маънавий, ахлоқий жиҳатларини ўрганган Қ.Абдураҳмонов, М.Бекмуродов, И.Эргашев, А.Сагдуллаев, Қ.Куранбоев, Т.Алимардонов, Ф.Равшанов каби олимлар ҳамда тадқиқотчиларнинг шу мавзудаги асарларини қайд этиб ўтиш мумкин.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси олимлари **О.Хусанов, Д.Рахимова, А.Қодиров, Ш.Асадовларнинг** фикрларига кўра, «Давлат хизматчисининг анъанавий карьерали ва позицион моделларининг ҳар бири ҳам ўз камчиликларига эга, уларнинг биринчисига мослашувчанлик етишмаса, иккинчисига эса жамоавийлик етишмайди. Шундай қилиб, ҳозирги тенденцияга кўра, карьера бўш иш ўринлари ва фаолиятни бошқариш тизимлари учун ташки рақобатни, шунингдек, инсон ресурсларини бошқаришда жавобгарликни ўзгага топширишни янада паст даражага тушишига олиб келади» [49].

Академик **Қ.Абдураҳмонов**: «Давлат хизматчилари билан хусусий сектор ходимлари ўртасидаги муҳим фарқ мазкур фаолият соҳаларидағи вазифаларни бажариш характеридадир. Давлат хизматчилари томонидан бажариладиган вазифалар улардан холисликни, тадбиркорликни, вазминликни, талабчанлик ва сезгириликни талаб қиласди. Акс ҳолда фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари хавф остида қолади. Буларнинг ҳаммаси шунга олиб келадики, давлат хизматчиси давлат билан узвий равишда боғланган бўлади. Ана шунга мувофиқ мазкур ходимларни танлаш тизими, уларнинг давлат иш берувчисига нисбатан мажбуриятлари, улар фойдаланадиган ҳуқуқлар келиб чиқади» [50], дейди.

Юқорида қайд қилинган барча тадқиқот ишлари кадрлар сиёсати, ёшлар масалалари, уларнинг фаолияти ва жамиятда ўз ўрнини топиши билан бевосита алоқадорлигини таъкидлаш лозим. Лекин давлат фуқаролик хизматида ёшларнинг иштироки ва уларнинг мослашуви масалаларини алоҳида тадқиқ этиш асосий мақсад қилиб қўйилмаган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида **«Бугун ҳаётнинг ўзи биздан профессионал, тезкор ва самарали давлат хизмати тизимини шакллантириш, янгича фикрлайдиган, ташаббускор, эл-юртга садоқатли кадрларга кенг йўл очиш бўйича самарали тизим ишлаб чиқишини талаб этмоқда»** [51] деган фикрлари давлат фуқаролик хизматида ёш мутахассисларнинг давлат фуқаролик хизматида мослашувини ўрганишни тақозо этади. Бу ёшларни давлат фуқаролик хизматига жалб қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришда ёшларнинг ўрни ва иштироки билан боғлиқ реал ҳолатни аниқ баҳолашга, ундаги ўзгаришлар ва тенденцияларни ўрганишга ҳамда мавжуд муаммолар бўйича муайян хуносалар чиқаришда муҳим илмий, назарий ва амалий аҳамият қасб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ: (REFERENCES)

1. <https://lex.uz/uz/docs/6145972>
2. <https://xs.uz/uzkr/post/hali-davlat-khizmati-chinakam-khalqni-rozi-qiladigan-tizimga-ajlangani-joq-shavkat-mirziyoev>
3. Ким Пан Сук. Давлат бошқарувида инсон ресурслари. 2018 йил нигоҳида; Глобальные и региональные тренды развития государственной службы. – Астана, 2016. – С. 326.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 18 декабрь куни замонавий кадрларга бўлган эҳтиёжни тўлдириш, билимли ёшларни стратегик соҳаларга жалб этиш масалаларига бағишланган йиғилишдаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/2202> – Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти.
5. Аристотель. Политика // Аристотель. Сочинения: В 4 т. (Перевод с древнегреч. С.Жебелева). – М.: «Мысль», 1983. Т. 4. – С. 376 – 644; Лазарев В.В., Липень С.В., Сайдов А.Х. Теория государства и права: Учебник. Под ред. акад. Абдурахманова К.Х. – Т.: «Akademiya», 2007. – С. 736.
6. Лао-Цзи. Дао фазилатлар китоби. – Т.: «Академнашр», 2020. – Б. 112; Конфуций. Сухбат ва мулоҳазалар (Лун Юй). – Т.: «Янги аср авлоди», 2014. – Б. 272; Сун Цзи, Гари Галиарди. Жанг ва маркетинг санъати. – Т.: «Hamroh Books», 2021. – Б. 156.
7. Абдуллоҳ ибн ал-Муқаффа. Ал-Адаб ас-сағир ва ал-адаб ал-қабир. – Байрут: «Дор Байрут», 1977. – Б. 70.
8. Алимардонов Т. Сиёsat ва ахлоқ мувозанати. – Т.: «Янги аср авлоди», 2011. – Б. 46.
9. Фахруддин Али Сафий. Раşaҳоту айнил-ҳаёт (Оби ҳаёт томчилари). Таржимон Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад. – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2004. – Б. 333.
10. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993, – Б. 190.
11. Абу-р-Райхан Мухаммад ибн Ахмад ал-Бируни. Собрание сведений для познания драгоценностей (Минералогия). – Л.: Издательство Академии наук СССР, 1963, – С. 31-32.
12. Жакбаров М. Комил инсон ғояси: тарихий-фалсафий таҳлил. – Т.: Абу Али ибн Сино нашри, 2000. – Б. 106 – 108.
13. Yusuf Xos Hojib. Qutadg‘u bilig: (Saodatga eltuvchi bilim). [Hozirgi o‘zbek tilida bayon qiluvchi va so‘zboshi muallifi Boqijon To‘xliyev]. – Т.: Cho‘lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2007. – Б. 8.

14. Кайковус Унсурулмаолий. Қобуснома. – Т.: «Истиқлол» ноширлик маркази, 1994. – Б. 30.
15. Темур тузуклари / форс тилидан ўзбек тилига ўтирган таржимонлар: А.Софуний ва Ҳ.Кароматов. – Тошкент: «Yangi kitob», 2020. – Б. 127-128.
16. Алиқулов Ҳ. Жалолиддин Давоний: [XV аср Шарқининг етук алломаси]. – Т.: «Ўзбекистон», 1992. – Б. 70.
17. Алишер Навоий. Лисонут-тайр. МАТ. 20 жилдлик, 1 Ж. 2. – Т.: «Фан», 1996. – Б. 20.
18. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб; Муншаот; Вақфия. МАТ. 20 жилдлик, 14 Ж. 3. – Т.: «Фан», 1998. – Б. 258.
19. Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи сultonий; Ахлоқи муҳсиний / нашрга тайёрловчилар: М.Аминов, Ф.Хасанов. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2011. – Б. 263.
20. Хожа Самандар Термизий. Дастур ул-мулук: Подшоҳларга қўлланма / Форс-тожик тилидан эркин таржима, сўзбоши, изоҳлар муаллифи: Ж.Эсонов. – Т.: F.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997. – Б. 89.
21. Макиавелли Н. Ҳукмдор. – Т.: «Давр-пресс», 2019. – Б. 23.
22. Фалсафа асослари. – Т.: «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005. – Б. 100.
23. Локк Джон. Сочинения в 3 томах. – М.: «Мысль», 1985/1985/1988. Т. 3. – С. 263-264.
24. Монтескье Ш.Л. Избранные произведения. – М.: Государственное издательство политической литературы. 1955. – С. 288-289.
25. Мухитдинов Ф. Бозор ва ҳуқуқ (Адам Смит ва Иммануил Кант: назарий ғоя ва қарашлар муштараклиги). – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2005 йил. – Б. 26.
26. Алимардонов Т. Сиёsat ва ахлоқ мувозанати. – Т.: «Янги аср авлоди», 2011. – Б. 72-73.
27. <https://www.monticello.org/research-education/thomas-jefferson-encyclopedia/>
28. Равшанов П. Беҳбудий ҳақиқати. – Т.: «Akademnashr», 2022, – Б. 128; Каримов Н. Беҳбудий. – Т.: «Akademnashr», 2022, – Б. 320; Abdulla Qodiriy. She'rlar, hikoyalar, ocherk, drama, hajviya va kichik asarlar. – Т.: «Zabarjad Media», 2022, – Б. 400; Usmon Nosir. She'rlar, doston va tarjimalar. – Т.: «Zabarjad Media», 2022, – Б. 224; Ўттиз еттинчи йил турналари (1937 – 1938 йиллардаги «Катта қирғин» қурбонларига бағишлиланган очерк ва мақолалар). – Т.: «Akademnashr», 2022, – Б. 208.
29. Алимова Д. Жадидчилик феномени. – Т.: «Akademnashr», 2022, – Б. 23-24.

30. Мунаввар қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. – Т.: «Маънавият», 2003. – Б. 59, – Б. 181.
31. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: «Ўқитувчи», 1992. – Б. 43.
32. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. – Т.: «Маънавият», 2010. – Б. 152-153.
33. Фрейд З. Введение в психоанализ. – М.: «Наука», 1990. – С. 456.
34. Хартманн Х. Эго-психология и проблема адаптации. – М.: «Институт общегуманитарных исследований», 2002. – С. 17-18.
35. Пиаже Ж. Избранные психологические труды. – М.: «Просвещение», 1969. – С. 66 – 69.
36. Эриксон Э. Идентичность: юность и кризис. 2-е изд. – М: «Флинта: МПСИ», 2006. – С. 352; Сафонова Л.В. Психология социальной работы. – М.: Издательский центр «Академия», 2012. – С. 7.
37. Маслоу А. Мотивация и личность. 3-е изд. – СПб.: «Питер», 2019. – С. 174.
38. Балл Г.А. Понятие адаптации и её значения для психологии личности. – М.: «Просвещение», 1989. – С. 167.
39. Блохина Л.Н. Индивидуальные различия в психологической адаптации к условиям профессиональной деятельности у госслужащих. Автореф. дисс. канд. психол. н. – М.: ИП РАН, 2008.
40. Волкова Н.В. Первичная адаптация персонала как процесс усвоения организационной культуры. Автореф. дисс. канд. психол. н. – СПб.: СПбГУ, 2013.
41. Дюркгейм Э. О разделении общественного труда. Пер. с фр. А.Б. Гофмана, примечания В.В. Сапова. – М.: «Канон», 1996. – С. 353; Самара Г.Н. Социокультурная адаптация молодежи в период радикальных трансформаций. – М.: ООО «Фирма Светотон ЛТД», 2004. – С. 205.
42. Вебер М. Избранные произведения. – М.: «Прогресс», 1990. – С. 880.
43. Парсонс Т. Система современных обществ. – М.: «Аспект Пресс», 1998. – С. 270; Парсонс Т. Функциональная теория измерения. Американская социологическая мысль. – М., 1994. – С. 497.
44. Тоффлер Э. Шок будущего. – М.: ООО «Издательство АСТ», 2004. – С. 370.
45. Милославова И. Понятие и структура социальной адаптации. Дис. канд. филос. наук. Л., 1974; Бодалев А.А. Вершина в развитии взрослого человека: характеристики и условия достижения. М., 1998; Забродин Ю.М. Психология личности и управление человеческими ресурсами. М., 2002.
46. Сочинения Н.К.Михайловского. Изд-е 4-е. – СПб.: Типография Н. Н. Клобукова, 1906. Т. 1. – С. 300.

47. Михайловский Н.К. Литературная критика: Статьи о русской литературе XIX начала XX века / сост., подгот. текста, вступ. ст., comment. Б. Аверина. Л.: Худож. лит., 1989. – С. 15.
48. Милославова И.А. Роль социальной адаптации. – Л.: «Просвещение», 1984. – С. 284.
49. Давлат бошқаруви соҳасида мутахассислар (бошқарув кадрлари)ни тайёrlаш тизими: миллий ва хорижий тажриба: ахборот-таҳлилий маълумотнома. – Т., 2019, Б. 9-10.
50. Абдураҳмонов Қ.Ҳ., Холмўминов Ш.Р. ва бошқалар. Персонални бошқариш. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004. – Б. 41.
51. <http://www.ach.gov.uz/uz/lists/view/54>